

ГЛОБАЛИЗАЦИЯ ШАРОИТИДА КОМПЬЮТЕР ЖИНОЯТЧИЛИГИ

Маълумки, ҳозирги вақтда, компьютер технологиялари жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кенг қўлланилмоқда ва бунинг эвазига турли соҳалар жадал ривожланиб бормоқда. Шу туфайли, ХХІ аср – “ахборот технологиялари асри”- дея аталаётгани бежиз эмас. Бу каби технологияларининг таъсири инсонлар турмуш-тарзи ва фаолиятида ҳам яққол сезилмоқда. Ахборот технологияларининг жаҳон иқтисодиёти, тараққиётидаги ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишдаги ўрни тобора ошиб бормоқда. Бироқ, жамият ҳаётининг маълум йўналишлари ривожланиши билан бундан турли ноқонуний йўллар орқали ўзининг молиявий аҳволини яхшилаб олиш ниятидаги шахслар катта саҳнага чиқа бошлайди. Бундай уриниш эса жиноятчиликнинг янги турларини “кашф” этади. Ана шундай “кашфиёт”лардан бири – компьютер жиноятчилиги қисқа вақт ичида ўзининг “юқори чўққиси”га кўтарилиб олди.

Ўзгариб ва ривожланиб турувчи олам ёки жамият ҳақидаги турли хил кўринишдаги кўплаб ахборотлар дунёнинг деярли ҳамма мамлакатларида йиғилиб бормоқда. Бу маълумотлардан замонавий технология воситаларисиз фойдаланиш катта маблағ ҳамда кўп вақт талаб этади. Бундай муаммолар интернет (халқаро ахборот тармоғи)нинг яратилиши билан ҳал этилди.

Ҳозирги кунда интернет дунё бозорини ўрганишда ва савдо-сотиқ ишларини ташкил этишда замонавий бизнеснинг энг муҳим воситаларидан бирига айланиб бормоқда. Интернет ўзаро алоқа боғлаш ёки маълумотлар алмашиш тармоғи бўлиб, унда мавжуд бўлган маълумотлар омбори мажмуи дунё билимлар омборини ташкил этади. Интернетнинг компьютерлар билан боғлиқ бўлган нарсалардан муҳим фарқи шундаки, у ўзи ҳақидаги маълумотларни ҳам ўзида сақлай олишидир.

Интернет тармоғи ривожланаётган кейинги вақтларда ахборотни ҳимоя қилиш муаммоси нафақат мутахассисларни, балки, барча компьютер техникасидан фойдаланувчиларни ўзига жалб этмоқда. Бу эса, албатта, компьютер технологияларининг инсон ҳаёти ва фаолиятига жадаллик билан кириб келаётгани билан боғлиқ.

* ТДЮИ талабаси

Интернет ўзининг ижобий томонлари билан бир қаторда ахборот “ўғриларини”¹ янги поғонага кўтарилишига сабаб бўлганлигини ачинарли ҳол сифатида баҳолаш мумкин.

Компьютерлар инсон иш фаолиятини енгиллаштириш мақсадида яратилди. Уларнинг сони кун сайин ортиб бормоқда. Аммо шу билан бирга жамиятнинг компьютер тизимларига боғликлиги ҳам ортиб бормоқда. Ҳозирда тиббиёт, солиқ ва банк тизими, транспорт каби асосий соҳаларда бошқарув ва ташҳис ишлари компьютерлар зиммасига юклатилган. Компьютер тизимлари ҳарбий соҳада ҳам алоҳида ўрин тутди².

Жамиятни компьютерлаштиришнинг маълум бир поғонасида компьютерлар якка ва уюшган жиноятчилар гуруҳларини ўзига жалб этди. Улар етарли техник ва дастурий воситаларга эга бўлиб, қийинчиликсиз махфий маълумотларни ўғирлаш, диверсия, фирибгарлик ва бошқа жиноий ишларни амалга оширишлари мумкин бўлиб қолди. Адлия, криминалистика, миллий ҳавфсизлик соҳа мутахассислари янги, кутилмаган муаммога дуч келиб қолдилар.

1971 йил АҚШнинг „Nyu-York Penni Sentral Reylroud“ темирўл компанияси қимматбаҳо юк ортилган 200 та вагонни йўқолганини пайқаб қолди. Бу ишни текшириш жараёнида бир қанча бошқа фирмаларнинг ҳам вагонлари йўқолгани аниқланди. Синчковлик билан олиб борилган текшириш натижасида, вагонлар йўқолишининг сабаби компьютерга атайин нотўғри манзил киритилганида эканини кўрсатди. Бу расмий қайд этилган биринчи “электрон жиноят” эди. Ҳозирги кунга келиб, компьютерлар ҳам, алоқа тизимлари ҳам беқиёс даражада ривожланиб кетди. Бу “электрон жиноятчилар”га ҳам янги имкониятлар яратиб берди³.

Ҳозирда компьютер тизимларига ўз малакасини ошириш ёки шунчаки “ҳазиллашиб” бузғунчилик қилаётган “ёш дастурчилар” кўпроқ зарар етказади. Чунки, улар жуда кўпчиликни ташкил қилади. Уларнинг баъзилари кимгадир зарар етказаётганини билмайди ҳам.

1 Улар компьютерлар яратилгунга қадар ҳам мавжуд бўлган. Ҳозирги кунда бундай шахслар “хаккер” деб номланади. Аслида, “хаккер” компьютерлар бўйича юқори малакали мутахассис; муҳофаза қилинаётган ресурслардан рухсатсиз фойдаланишни мақсад қилиб олган юқори малакали компьютер мутахассиси; ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида турли ноқонуний ҳаракатларни амалга оширувчи шахс; турли тармоқлардан рухсатсиз эркин фойдаланиш ва улардан ахборот олиш, дастурий маҳсулотларнинг муҳофазасини кўчириш, компьютер вирусларини яратиш ҳамда тарқатиш ва ҳоказо.

2 Қаранг: Тихомиров Ю.А. Правовой режим информационных процессов. Национальное законодательство и международное сотрудничество // Научно-техническая информация. Сер.1. 1993. №7. -С.7.

3 Қаранг: <http://www.infocom.uz>

Бинобарин, интернет орқали етказилиши мумкин бўлган қуйидаги асосий зарарлар санаб ўтишимиз мумкин:

- тармоққа уланган вақтингизда компьютерингизга рухсатсиз “кириш” ва уни сизнинг манфаатингизга зид тарзда масофадан бошқариш;

- интернетда узатилаётган ахборотлар “йўлда ушлаб олиниб”, улардан нусха олиш ёки ўзгартириш;

- турли вирус (компьютер хотирасидаги маълумотларни ўчириш, ўзгартириш каби ишларни бажарувчи ва бошқа дастур таркибига қўшилиб олиш, “юқиш” хусусиятига эга бўлган махсус дастур) дастурларини Web-саҳифаларга “яшириб қўйиш”;

- турли давлат ташкилотлари ва хусусий корхоналарга тегишли ахборотларни ўғирлаш ва рақобатчи ташкилотларга сотиш ёки маълум миқдорда тўлов талаб қилиш;

- жамият мафкураси ва маънавиятига зид ахборотларни интернетда эълон қилиш ва бошқалар⁴.

Бундай ҳавфларнинг олдини олишнинг бир қанча чора-тадбирлари мавжуд. Уларга риоя қилиш ҳавфни бутунлай бартараф этмаса-да, сезиларли даражада камайтиради. Бизнингча, ушбу чора-тадбирларнинг мазмуни қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- шахсий ва локал тармоқдаги компьютерларга ташқаридан келувчи ҳавфга нисбатан нисбатан “иммунитет”ни ҳосил қилиш;

- интернет орқали киришни чекловчи ва назорат қилувчи техник ва дастурий воситалардан фойдаланиш;

- интернет орқали фақат ишончли манбалардан ахборот олиш ва уларнинг асл нусхасига мослигини текшириш;

- маълумотларни узатиш ва қабул қилишда криптография (ахборотни кодлаш) усулларидан фойдаланиш;

- компьютер вирусларига қарши назоратчи ва даволовчи дастурлардан фойдаланиш.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ахборот технологиялари соҳаси, *биринчидан*, жадал ривожланиб бормоқда, *иккинчидан*, у билан боғлиқ турли-туман муаммолар ҳам юзага келмоқда. Демак, интернет хавфсизлигини таъминлаш фактгини давлатнинг эмас, балки унинг хизматларидан фойдаланувчи ҳар бир шахснинг вазифаси бўлмоғи даркор. Шундай экан, компьютерларимиздаги маълумотларни, энг аввало, ўзимиз ҳимоя қилишимиз кераклигини унутмайлик!

4 Қаранг: <http://www.medialaw.ru>